

Ушбу пудрат шартномаси «Буюртмачи» деб аталувчи Қўрғонтепа тумани Халқ таълими бўлими ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари Т.Умаров бир томондан ва «Пудратчи» деб аталувчи «Тикувчи оила Абдуллаевлар» МЧЖ ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари Ш.Абдуллаева иккинчи томондан келишув асосида амалдаги конунларга мувофиқ тузилди.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига мувофиқ «Буюртмачи»нинг яъни Қўрғонтепа тумани 6-умумтаълим мактабнинг иссиқлик тизимини муқаммал таъмирлаш ишларини бажариб беради.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «Буюртмачи» томонидан тасдиқланган сметага ва танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда) га асосан жорий нархларда шартноманинг умумий суммаси 85 000 000.00 (Саксон беш миллион) сўм 00 тийинни ташкил этади

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, фақатгина ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс-мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ҳазначилик тизимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 3 банк иш кунда «Буюртмачи» томонидан бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30% ини, яъни 25 500 000.00 (Йигирма беш миллион беш юз минг) сўм 00 тийинини олдиндан аванс тариқасида «Пудратчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Қолган 70 % и, яъни 59 500 000.00 (Эллик тўққиз миллион беш юз минг) сўм 00 тийинини «Пудратчи» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунда ўтказиб беради.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Пудратчи»нинг мажбуриятлари

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «Буюртмачи»дан бажарилган ишлар далолатномасига асосан қабул қилиб олади.

Мазкур шартномада илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни бажариш календар графигига асосан 30 (Ўттиз) кун муддатда ишларни бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг қучлари билан бажариш ҳамда «Буюртмачи» га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. «Пудратчи»нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари

«Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

«Пудратчи»дан шартномада курсатилган ишларини қабул қилиш комиссияси иштирокида лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

«Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

IV. КАФОЛАТЛАР

4.1. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш хом ашёлари, асбоб-ускуналар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва иншоотдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишини;

4.2. Иншоот ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, хом ашёлардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар далолатномани имзолаган кундан бошлаб бир ой этиб белгиланади.

4.3. Агар иншоотдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

4.4. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар Пудратчи ва Буюртмачи ўртасида далолатнома тузилиб, расмийлаштирилади. Пудратчи нуқсон ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, Буюртмачи бу ҳақда ёзувларни киритади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1 «Пудратчи» ва «Буюртмачи» ўртасида узаро шартнома имзолангандан сунг жорий таъмирлаш ишларини бажарадиган бино ёки иншоат қурилиш участкасини буюртмачидан далолатномага асосан қабул қилиб олади. Қурилиш майдони ёки участкаларда техник хавфсизлик қоидаларига қелишилган ишларни бажариш вақтида атроф муҳитнинг тозаллиги меҳнат муҳофазаси ёнгинни олдини олиш зарурий тадбирларни ишлаб чиқади ва бунга амал қилади. «Пудратчи» мазкур шартномадаги барча ишларни ўз қучлари билан бажарилиши ҳамда объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тулик жавобгар. «Пудратчи» мазкур шартномада илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тулови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади. «Пудратчи» объектни фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шарнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлаб қолади. Объект «Буюртмачи»га топширилгунга қадар объектни тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи «Пудратчи»нинг зиммасида бўлади. «Пудратчи» узининг томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари асбоб ускуналар ва бутловчи буюмлар конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга Давлат стандартларига, техник стандартларига техник шартларга мувофиқ бўлиши ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди. Агар «Пудратчи» қелишилган ишларни белгиланган муддатларда тугата олмаса ишлар сифатсиз ҳолда бўлган деб топилса «Пудратчи» уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарни «Буюртмачи»га тулайди. «Пудратчи» бу шартномада курсатилган қурилиш таъмирлаш ишларини қабул қилиш комиссиясига лойиха ҳужжатлари асосида ишини сифатли бажарган ҳолда топширади.

5.2 жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун ажратилган бино, иншоат, қурилиш участкасини далолатномаси билан «Пудратчи»га топширади.

Қурилиш ишларини бажарилиши устидан «Буюртмачи» вакиллари қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган. «Пудратчи» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя

этилишини назорат қилиб боради. «Пудратчи»дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлайди. Молиялаштириш жадвалига биноан аванс маблаг и беради. Белгиланган ишларни якунланган деб топилиб комиссия орқали қабул қилинганда молиялаштиришни амалга оширади. «Буюртмачи» қурилиш майдонида ўз вақилини техник аудиторини тайинлайди у «Буюртмачи»нинг номидан бажарилаётган сифати устидан техник назоратни амалга оширади. Шунингдек «Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб усқуналарни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқ текширади.

5.3 Агар бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳужалик шартномасида белгиланган бошка мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб пудратчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, ишлар ва хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар етказиб берганлик учун жарима пудратчидан ақцептсиз тартибда ундириб олинади.

Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг сифати, ассортимент ва нави лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичида тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.4 «Пудратчи» ишларни бажариш графигида кўрсатилган муддатларда қурилиш ишларини тугатмаган тақдирда «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.5 «Буюртмачи» шартноманинг 2-қисмида кўрсатилган муддатларда бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаган тақдирда «Пудратчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.6 Шартномада бошка тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳужалик шартномаларни бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун «Ҳужалик юрутувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунинг 25-321 моддаларида назарда тутилган жавобгарлик қоралари қўлланилади.

VI. Низоларни ҳал қилиш тартиби

6.1 Ушбу шартнома ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан қелиб чиқадиган барча низолар тарафларнинг ўзаро қелишуви билан ҳал қилинади.

6.2 Низоларни тарафларнинг қелишуви билан ҳал қилиб бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун қоида-сига асосан ҳужалик судида ҳал қилинади.

VII. Бошка шартлар

7.1 Ушбу шартномага киритиладиган барча ўзгаришлар ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафлар томонидан имзолангандан кейин ҳақиқий ҳисобланади.

7.2 Ушбу шартнома бир ҳил юридик қучга эга бўлган икки нусхада тузилган бўлиб тарафлар имзоларидан сунг ҳақиқий деб ҳисобланади.

7.3 Бажарилган ишларнинг қафолат муддати томонларнинг ўзаро қелишувига асосан ишлар бажариб бўлинганидан 30 (ўттиз) кун этиб белгиланди.

VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН ҚУЧ (ФОРС МАЖОР) ҚОЛАТЛАРИ

8.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари натижасида қелиб қикса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўриб чиқилади.

**IX. ШАРТНОМАНИ ҶЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ
ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

9.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ӯзаро келишувига мувофик ӯзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартнома буйича юзага келиши мумкун бўлган низо ва келишмовчиликлар ӯзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ӯзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Иқтисодий суди орқали хал этилади.

X. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

10.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ғазначилик тизимидан рўйхатдан ӯтган кундан кучга кириб, “31” Декабрь 2022 йилгача амал қилади.

10.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жихатдан тенг кучли ҳисобланади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

«Тикувчи оила Абдуллаевлар» МЧЖ

Манзил: Қўрғонтепа т Ибн сино МФЙ Нуравшон кўчаси

Тел./факс: +99888 980 30 06

х/в: 20208000505387468001

Банк номи: Халк банк Мархамад филиали

МФО: 00652 СТИР: 308423764

ОКОНХ _____

«БУЮРТМАЧИ»

Қўрғонтепа туман Халк таълими бўлими

Манзил: Қўрғонтепа ш Шифокор кўча № 5 ўй

Тел./факс 723 13 92

ш/х 100022860032207092100075080

бюджетдан маблағ олувчи

СТИР 200279114 ОКОНХ 92310

Ғазначилик бўлинмаси номи: Қўрғонтепа тумани буйича
Ғазначилик бўлинмаси

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шаҳар бош
бошқармаси ХККМ

МФО: 00014

ғазначилик бўлинмаси СТИР: 201122919

Раҳбар:  Ш. Абдуллаева

Раҳбар:  Т. Умаров



IJRO.GOV.UZ tizimi orqali ЭРИ билан тасдиқланган, Хужжат коди: ZK7282733866

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QON HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQ XULOSA

№ RX1813154662

1. Loyihaning turi

Shartnoma

2. Loyihaning nomi

Pudrat shartnomasi

3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Qo'rg'ontepa tuman xalq ta'limi bo'limi 24.08.2022 yil

Qo'rg'ontepa tuman xalq ta'limi bo'limi (Buyurtmachi) nomidan asosida ish olib boruvchi XTB mudiri vvb T.Umarov va "Tikuvc Abdullaevlar" MChJ (Pudratchi) nomidan Nizom asosida faoliyat yur raxbari Sh.Abdullaevalar tomonidan Qo'rg'ontepa tumani 6-umum maktabning issiklik tizimini mukammal ta'mirlash ishlarini bajarib to'g'risida tuzilgan pudrat shartnomasi loyixasi yuzasidan

Shartnomasi loyihasi asos sifatida Tuman xalq ta'limi bo'li umumiy yig'ilish bayonnomasi ilova qilingan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqarilgan va un maqsadga muvofiq.

2022 yil "24" avgus

Yuridik xizmat ko'rsatish markazi

Bosh yuristkonsulti



H.Mamataliyev

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 136230 на приобретение Кургонтёпа тумани 6-мактабни исситиш козонхоналарни мукамал таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 20.08.2022

Время рассмотрения 19.08.2022 16:59

Конкурсная комиссия Кургонтёпа тумани ХТБ марказлашган бухгалтерия, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	UMAROV TO'LQIN TURGUNBAYEVICH	Мудир	Кургонтёпа тумани ХТБ
Секретарь комиссии	QUVATOV DAMIR ASQAROVICH	Хисобчи	Кургонтёпа тумани ХТБ
Член комиссии	USMONOVA ZAMIRAXON G'ANIJOVNA	Директор	Кургонтёпа тумани 6-мактаб
Член комиссии	BO'RONOVA MUNOJATXON MAXMUDJON QIZI	Завхоз	Кургонтёпа тумани 6-мактаб
Член комиссии	MAXMUDOV SHUXRAT NUMANOVICH	ХТБ бош мухандиси	Кургонтёпа тумани ХТБ
Член комиссии	TILLABAYEV UMIDJON RO'ZIVAYEVICH	бош хисобчи	Кургонтёпа тумани ХТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 20.08.2022 года № лота 136230.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 30.00 / Весовой коэф. ценовой части: 70.00)

Мин. балл: 15

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по капитальному ремонту здания котельной (системы отопления помещения)
Подробное описание	Кургонтёпа тумани 6-мактабни исситиш козонхоналарни мукамал таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	99 786 802.00
Стартовая сумма	99 786 802.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида кайд этилмаганлиги, рус тили ёки узбек тилида

Тип: Текстовое значение

Описание: мухим

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП FURQAT	5	5	3	Экспертная		
ZUBAYR LYUKS INVEST MCHJ	5	98570000	5	Экспертная		
MILANO QURILISH MCHJ	5	91800000	5	Экспертная		
Tikuvchi oila Abdullayevlar	5	95000000	5	Экспертная		
MUBINAXON QURUVCHI 707	5	85000000	5	Экспертная		

Критерий №2 Узига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининт мавжуд эмаслиги, рус тили ёки узбек тилида

Тип: Текстовое значение

Описание: мухим

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП FURQAT	5	5	0	Экспертная		
ZUBAYR LYUKS INVEST MCHJ	5	98570000	0	Экспертная		
MILANO QURILISH MCHJ	5	91800000	0	Экспертная		
Tikuvchi oila Abdullayevlar	5	95000000	5	Экспертная		
MUBINAXON QURUVCHI 707	5	85000000	5	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчиларига шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ҳамда бошка ресурсларнинг мавжудлиги, рус тили ёки узбек тилида

Тип: Текстовое значение

Описание: мухим

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП FURQAT	5	5	4	Экспертная		
ZUBAYR LYUKS INVEST MCHJ	5	98570000	5	Экспертная		
MILANO QURILISH MCHJ	5	91800000	3	Экспертная		
Tikuvchi oila Abdullayevlar	5	95000000	5	Экспертная		
MUBINAXON QURUVCHI 707	5	85000000	3	Экспертная		

Критерий №4 Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза, рус тили ёки узбек тилида

Тип: Текстовое значение

Описание: мухим

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП FURQAT	5	5	5	Экспертная		
ZUBAYR LYUKS INVEST MCHJ	5	98570000	5	Экспертная		
MILANO QURILISH MCHJ	5	91800000	5	Экспертная		
Tikuvchi oila Abdullayevlar	5	95000000	5	Экспертная		
MUBINAXON QURUVCHI 707	5	85000000	5	Экспертная		

Критерий №5 Объектни ўрганиб маълумотнома такдим этиш рус тили ёки узбек тилида

Тип: Текстовое значение

Описание: мухим

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП FURQAT	5	5	0	Экспертная		
ZUBAYR LYUKS INVEST MCHJ	5	98570000	0	Экспертная		
MILANO QURILISH MCHJ	5	91800000	0	Экспертная		
Tikuvchi oila Abdullayevlar	5	95000000	5	Экспертная		
MUBINAXON QURUVCHI 707	5	85000000	0	Экспертная		

Критерий №6 Шартнома тузиш учун конуний хукукка эгалик, соликлар ва бошка мажбурий туловларни тулаш буйича карздорликгининг мавжуд эмаслиги, рус тили ёки узбек тилида

Тип: Текстовое значение

Описание: мухим

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП FURQAT	5	5	5	Экспертная		
ZUBAYR LYUKS INVEST MCHJ	5	98570000	5	Экспертная		
MILANO QURILISH MCHJ	5	91800000	5	Экспертная		
Tikuvchi oila Abdullayevlar	5	95000000	5	Экспертная		
MUBINAXON	5	85000000	5	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QURUVCHI 707						

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ZUBAYR LYUKS INVEST MCHJ	99 786 802.00	87 560 000.00 UZS	87 560 000.00	00.00	87 560 000.00	18.08.2022 15:07:55	67.95
ЧП FURQAT	99 786 802.00	92 786 802.00 UZS	92 786 802.00	00.00	92 786 802.00	17.08.2022 14:28:03	64.13
MILANO QURILISH MCHJ	99 786 802.00	91 800 000.00 UZS	91 800 000.00	00.00	91 800 000.00	18.08.2022 15:50:00	64.81
Tikuvchi oila Abdullayevlar	99 786 802.00	95 000 000.00 UZS	95 000 000.00	00.00	95 000 000.00	19.08.2022 08:18:22	62.63
MUBINAXON QURUVCHI 707	99 786 802.00	85 000 000.00 UZS	85 000 000.00	00.00	85 000 000.00	19.08.2022 08:36:18	70.00

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ZUBAYR LYUKS INVEST MCHJ	20.0001	67.95	87.9501
ЧП FURQAT	17.0001	64.13	81.1301
MILANO QURILISH MCHJ	18	64.81	82.81
Tikuvchi oila Abdullayevlar	30	62.63	92.63
MUBINAXON QURUVCHI 707	23.0001	70	93.0001

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 136230 от 20.08.2022 года на приобретение Кургонтёпа тумани 6-мактабни исситиш козонхоналарни мукамал таъмирлаш определила победителем:

MUBINAXON QURUVCHI 707
308946407

и резервный исполнитель: Tikuvchi oila Abdullayevlar (308423764)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	UMAROV TO'LQIN TURGUNBAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	USMONOVA ZAMIRAXON G'ANIJONOVNA	Согласен	
Член комиссии	BO'RONOVA MUNOJATXON MAXMUDJON QIZI	Согласен	

Член комиссии	MAXMUDOV SHUXRAT NUMANOVICH	Согласен	
Член комиссии	TILLABAYEV UMIDJON RO'ZIVAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП